

CREATING NEW JOBS FOR YOUNG PEOPLE IN THE AGRICULTURAL SECTOR IN THE NEAR FUTURE

Khomitov Komiljon Zoitovich,

Ph.D., Professor, Tashkent Financial Institute

Haitov Ohun Namaz oglı,

2nd year master of SamSU

Kholbekova Mahliyo,

1st year master's degree from SamSU

Abstract

This article examines the issues of creating new jobs for young people in the non-agricultural sector in the near future and reducing rural youth unemployment on the basis of these measures.

Key words: non-agricultural industries, employment, employment, unemployment, youth, new jobs, labor market, cluster.

Ёшлар ўртасида ишсизлик кўрсаткичларининг юқори даражада ўсиб бораётганлиги кўпчилик мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий беқарорликни келтириб чиқарувчи омилга айланиб бормоқда. Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотига кўра, 2019 йилнинг деабрь ойидан бошланиб ҳозирга қадар давом этаётган пандемия туфайли дунёдаги ёшларнинг 20 фоизи ишсиз қолди. **Коронавирус пандемияси оқибатида дунёдаги ҳар беш ёшдан бири ишсиз қолди**, ишлаётганларининг бандлиги эса 23 фоизга қисқарди.

Маълум бўлишича, 2020 йилнинг февраль ойи охиридан бери ёшлар орасида ишсизлик бирданига ортгани кузатилмоқда. Бунда йигитлардан кўра қизлар қўпроқ ишсиз қолган. Пандемия оқибатида ёшлар нафақат ишсиз қоляпти, балки уларнинг таълим жараёни ва қасбий тайёргарлиги издан чиқди, айниқса янги иш бошлайдиганлар ёки бир ишдан бошқасига ўтаётганлар учун оғир бўляпти.

Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотига кўра, 2019 йилда ёшлар ўртасидаги ишсизлик даражаси 13,6 фоиз бўлган. Дунёда қарийб 267 миллион ёшнинг иши йўқ, улар таълим олмаган ёки қасбий тайёргарликдан ўтмаган. 15-24 ёш оралиғида бўлган ва ёлланиб ишлайдиганлар кўпинча кам ҳақ олади, норасмий тарзда ёки мигрант сифатида ишлайди.

Айни вақтга келиб, ижтимоий-иктисодий әхтиёжлар нұктай назаридан қаралғанда қишлоқ жойларидаги ҳолат үзгариб, унда қайта ишлаш саноати, хизмат күрсатиши соңасы ва бошқа тармоқтар асосий иктисодиёт секторига айланиб бормоқда. Қишлоқ хұжалиги кластерларини ташкил этиш, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, хизмат күрсатиши соңасы ва бошқа тармоқтарни кенгайтириш масалаларига әътиборни қаратыши қишлоқ худудларыда **ноқишлоқ хұжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш үринларини ташкил этиш**, ёшлар ўртасида ишсизликни камайтириш имкониятими яратади.

Қишлоқ худудларыда ижобий иктисодий ривожланишнинг асосий омилларидан бири сифатида ёшлар учун янги иш үринларини ташкил этиш миқдорини ортишида күриш мүмкін (1-жадвал).

1-жадвал Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойлари бўйича ёшлар учун янги иш үринларини ташкил этишни үзгариши (дона)

№	Худудлар номи	2017 йил	2019 йил	2019 йилда 2017 йилга нисбатан, %да
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	4738	5609	118,4
2.	Андижон вилояти	8458	9744	115,2
3.	Бухоро вилояти	6343	6999	110,3
4.	Жizzах вилояти	5304	5799	109,3
5.	Қашқадарё вилояти	6106	7092	116,1
6.	Навоий вилояти	4825	5378	111,5
7.	Наманган вилояти	7080	8083	114,1
8.	Самарқанд вилояти	10953	12995	118,6
9.	Сурхондарё вилояти	4081	4950	121,3
10.	Сирдарё вилояти	3052	3560	116,6
11.	Тошкент вилояти	18701	21857	116,9
12.	Фарғона вилояти	10474	12401	118,4
13.	Хоразм вилояти	6684	7393	110,6
	Республика бўйича	96799	111860	115,5

2019 йилда қишлоқ жойларида янги иш үринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг тасдиқланган параметрларига мувофиқ, ёшлар учун 102726 та иш үрни ташкил этилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳақиқатда эса 111860 та иш үрни яратилди ёки дастур ижроси 8,9 фоизга ошириб билан бажарилди.

Яқин келажакда республикамиз қишлоқ худудларидаги қайта ишлаш саноати, қурилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноати, хизмат күрсатиши ва бошқа ноқишлоқ

хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этиш асосида меҳнатга лаёқатли қишлоқ ёшларининг иш билан бандлигини оширишнинг 2020-2025 йиллар учун прогноз параметрларига эришиш учун қўйидаги **асосий тадбирларни амалга ошириш зарур:**

- қишлоқ жойларида кафолатланган инвестицияларни жалб қилиш асосида замонавий ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш ҳамда ноқишлоқ хўжалиги иш жойларини яратишни маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига субсидиялаш;
- қишлоқ ҳудудлари хусусиятларига кўра қайта ишлаш саноати, қурилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноати, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда инвестицион жозибадорликни ошириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш бўйича мавжуд иш ўринларини реконструкция қилиш ҳамда ҳудудларда агротуризм индустриясини ташкилий-иктисодий қўллаб-куватлаш;
- қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш тармоғида кўп маблағ талаб қилмайдиган, кўпроқ ёшлар учун мўлжалланган иш ўринларини яратиш;
- ноқишлоқ хўжалиги тармоқлари ёшларнинг иш ўринларида самарали фаолият кўрсатиш учун пассажир транспорти, суғурталанган медицина хизматлари ва бошқа ижтимоий инфратузилма обьектларини кафолатланган фаолиятларини ташкил этиш;
- ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этишини кўпайтиришга йўналтирилган янги институтларнинг пайдо бўлиши (лизинг, агентликлар, аутсорсинг) учун ташкилий-хуқуқий жиҳатдан шарт-шароитлар яратиш.

Юқорида қайд этилган асосий самарали чора-тадбирларни сифатли ижросини таъминлаш негизида қайта ишлаш саноати, қурилиш ва қурилиш материалларини тайёрлаш саноати, транспорт, энергетика, хизмат кўрсатиш каби бошқа ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятлари учун зарурӣ иктисодий, техникавий, ижтимоий, ташкилий ва ҳуқуқий шароитларни яратиш асосида **меҳнатга лаёқатли қишлоқ ёшларининг иш билан бандлигини оширишга** эришиш мумкин.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 30.12.2020. <https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu>
2. Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З., Арабов Н.У. ва бошқ. Мехнат бозорининг самарали ривожланиш истиқболлари (монография). - Тошкент: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2017, -130 бет
3. <https://azon.uz/content/views/30846> расмий канали маълумотлари.
4. https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS_739003/lang-ru/index.htm веб-сайти маълумотлари.